O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 5-yanvar • Shanba • 3 (27.808) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди».

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан самимий табриклайман.

Ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик жамият барпо этишда Германия бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг яқин ва ишончли ҳамкори бўлиб қолаверади. Шу боис, Германия Ўзбекистон келгусида ҳам ҳаётбахш ислоҳотларни, жумладан, инсоннинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни изчил амалга оширавериш ишонади.

Президентлик лавозимида Сизга янада юксак муваффақиятлар, куч-ғайрат ва сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Хорст КЁЛЕР,
Германия Федератив Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эришган ғалабангиз муносабати билан Сизни Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси истиқболда ҳам айнан Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда ривожланиб ва равнақ топиб бораверади.

Менинг Ўзбекистон Республикасига 2005 йилнинг май ойидаги ташрифим ва Сизнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига буюрган ташрифингиздан кейин давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар кучайганидан ҳамда ҳамкорлигимиз сезиларли даражада кенгайганидан ғоят мамнунман. Умид қиламанки, Сиз, Жаноби Олийларининг фаолиятингиз даврида 2006 йил март ойидаги ташрифингиз чоғида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим тамойилларига асосланган муносабатлар сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳалари билан бир қаторда бошқа соҳаларда ҳам ўзаро чуқурлашиб ва ривожланиб бораверади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик, Ўзбекистон Республикасига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаймиз.

Но Му ХЁН,
Корея Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сиз, Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни йўллаш шарафидан ғоят бахтиёрман.

Ишонним комилки, Ўзбекистон шаҳсан Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигингизда барқарор ривожланиб бораверади ва Марказий Осиё минтақасидаги равнақ ва фаровонликка муносиб ҳисса қўшаверади.

Япония билан Ўзбекистон ўртасида жуда яқин дўстона муносабатлар ўрнатилган. Ишончим комилки, мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик алоқалари янада юксалиб бораверади.

Шу ўринда, «ЯЛДП — Ўзбекистон» дўстлиги Парламент лигасининг вакили сифатида Япония билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни чуқурлаштириш ишига ўзимнинг бутун кучимни сарфлашга тайёрлигимни билдираман.

Сиз, Жаноби Олийларига чин қалбдан мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда зафарлар, Ўзбекистон халқига эса бардавом равнақ тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Йоширо МОРИ,
Япония собиқ Бош вазири,
Парламент Қуйи Палатаси депутати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизни чин қалбдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Президентликнинг янги муддатига қайта сайланишингиз халқингиз томонидан Сизга бўлган юксак ишончнинг ва Сизни қўллаб-қувватлашининг яққол ифодасидир.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар бундан буён ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Каримов, Сизга мамлакатингизни равнақ топтириш ва фаровонлигини оширишдек масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ким Ен НАМ,
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноби Олийлари,

Сиз, Жаноби Олийларига самимий саломларим ила эзгу тилакларимни билдиришдан бениҳоят бахтиёрман. Сизга Ватанингиз олдидаги хизматларингизда омад ва зафарлар тилаб қоламан.

Шунингдек, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан қутлаб, ўзимнинг холис табрикларимни йўллаш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Сизга ва одилона раҳбарлигингиз остида халқингизга улкан фаровонлик, янада юксак тараққиёт ва дўст мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги алоқаларнинг бардавом бўлишини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Сайф бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири

☑ 2008 йил — Ёшлар йили

Ёш ҳунармандлар маркази

Кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳрида миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган Миллий ҳунармандчилик маркази бу борадаги ишларга муносиб ҳисса қўшаётир. Бу ерда 150 нафардан ортиқ йигит-қиз тажрибали усталар кўмагида турли касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда.

— Шаҳар юбилейи муносабати билан бутунлай янгича қиёфа касб этган Миллий ҳунармандчилик маркази ёшларимизнинг севимли масканига айланиб бормоқда, — дейди марказ раҳбари Абдурасул Мирзаахмедов. — Ҳозир ёшларимиз устозлари бошчилигида атлас, адрас, шойи каби матоларнинг энг ноёб нусхаларини қайта тиклаш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Замонавий компьютерлар билан таъминланган марказ интернет тармоғида ўз сайтини ҳам очган. Унда марказ фаолияти, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бу маҳсулотлар хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ҳунармандчилик ярмаркаларида намойиш этилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: *марказ фаолиятидан лавҳалар.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Қайноқ ҳаёт билан юзма-юз 2

Телефон қўнғироғи суҳбатимизни бўлди. «Пахтабанк» туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Зокиржон Азизов телефон қилаётган экан. Замира юборган Мансур Чўлиевнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, бу ёш оилага мебель сотиб олиш учун кредит берадиган бўлишибди.

«Йодланган» тамғаси ортидаги сирсиноатлар ва истеъмолчи ҳуқуқи ҳақида 3

Айтиш керакки, сифатли ва йодланган тузни сотувда топиш осон иш эмас. «Йодланган» деган тамғанинг ўзи туз ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Сифатли тузнинг яққол белгиси — унинг сифатли қадоғи эканини унутманг.

Пулнинг ҳам уволи бор ... 4

Одатдагидек хизматга келган номдор санаткорларга «қистир-қистир» бошланди. Тўрда ўтирган юбиляр ҳам қатордан қолмай деб, пастга тушди-да, аввал қўшиқ айтаётган хонанда аёл устига, сўнгра ўрдада ўйинга тушаётган фарзандлари ва набиралари устидан пул соча бошлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СЛОВЕНИЯ РАИСЛИГИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ НОМИДАН БАЁНОТИ

1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизғин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислоҳотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

2. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

☑ Ватан ҳимояси — олий шараф

Жанговар ва жисмоний тайёргарлик синови

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Куролли Кучлар бўйича «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичи ўз ниҳоясига етди.

Истиқлол туфайли ташкил топган миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш йигитларимизнинг конституциявий бурчигина бўлиб қолмай, балки шарафли вазифасига айланди.

Улар муқаддас Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, Куролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнини тобора жадаллаштириш учун бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солмоқдалар.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз, бугунги кунда Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар боис, замонавий армияда хизмат қилаётганлар нафақат ўзининг жанговар билимларини пухта эгаллабгина қолмасдан, балки интеллектуал салоҳиятини ҳам ошириши, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бунинг учун эса тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш зарур. Шунингдек, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси номига муносиб бўлишида 2004 йилнинг февралида Президентимиз Фармойишига кўра, Куролли Кучлар бўйича ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» танловининг мунтазам ўтказиб келинаётгани катта аҳамиятга эгадир.

2-бет

☑ Муносабат

Янги ҳуқуқий имкониятлар

Дилором САЛИМОВА, Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати:

— Вазифам юзасидан қишлоқларимиздаги аёллар билан кўп мулоқотда бўламан, уларнинг гап-сўзларида мустақиллик берган имкониятлардан, яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, рўзғорини бут қилиш, фарзандлари орзу-ҳавасини кўриш йўлидаги меҳнатлари натижаларидан миннатдорлик туйғуси шундоққина кўриниб турибди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш борасидаги тадбирлар ҳам аста-секин ўз самарасини бераяпти. Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи, маҳаллий Кенгашларга номзодлар кўрсатишда аёллар учун қонунчиликда ўттиз фоизлик квота белгиланиши хотин-қизларнинг жамиятдаги роли, обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилаяпти.

Биз 1 январдан нафақат Янги йилга қадам қўйдик, балки шу кундан ҳаётимизда, фаолиятимизда янги меъёрлар, тамойиллар амал қила бошлади. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг тўлиқ кучга кириши биз — маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик гуруҳларининг вилоят ҳаёти, тараққиётига бевосита дахлдорлиги янада кучаяди. Бу янги имкониятлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳаётимизнинг бундан буён янада гўзал, турмушимизнинг фаровон, юртимизнинг обод бўлишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

Қайноқ ҳаёт билан юзма-юз

ЎзХДП Қарши туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида партиямиз фаоли Полвон Тўлиевни учратиб қолдим.

— Иш кўп, кейинроқ бафуржа гаплашармиз, ака, — деди у. — Очиғини айтсам, Жамоатчилик қабулхонасига одамлар кўп келишади. Улар билан суҳбатлашамиз, фикрларини тинглаймиз, кейин ёрдам кўрсатишимиз керак. Тўғриси, иш кўп...

Ҳаёт қозонида қайнаган, доимо одамлар ташвиши билан яшаб келаётган ажойиб журналист, туман Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Полвон Тўлиевнинг сўзларини тинглар эканман, «Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш-ирода ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади», деган фикрларни яна бир бор ёдга олдим.

— Биласизми, мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман, — дейди Қашқадарё вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Шарип Амирқулов. — Ўн олти йил тарих олдида бир зарра каби, аммо халқимиз ва давлатимиз учун у юз йилларга татигулик бир давр бўлди. Ана шу йилларда партиямиз сиёсий курашлар майдонида чиниқиб, катта тажриба тўплади. Узоққа бормайлик, мана шу Қарши туманини олиб кўрайлик. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 30 депутатидан 18 нафари ХДП аъзоси, доимий комиссия раҳбарларининг беш нафари партиямиз фаоллари. Жами 15 қишлоқ, 36 маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам партиямиз аъзолари етакчилик қилишади. Бу шуни англатадики, фуқаролардан Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мурожаатларни ўрганиш, қўйилган масалаларни ҳал қилишда етарли имкониятлар мавжуд.

Шарип ака тажрибали партия ходими, узоқ йиллар Қарши туман кенгашига раҳбарлик қилди, туман кенгаши депутатлигига сайланди. Вилоят кенгашига ишга ўтгач, туман кенгашига бошчилик қилишни шогирди Замира Азизова қўлга олди. Қабулхонага келиб кетувчилар кўп. Бир ёш йигит билан партия раисининг суҳбатига гувоҳ бўлдик.

— Олий маълумотли ўқитувчиман, — дейди Мансур Чўлиев. — Яқинда уйландим. Бизнинг Манғит қишлоғимизда ўтган йиғилишда кредит олишга кўмаклашамиз деган эдингиз. Айтган ҳужжатларингизни тайёрлаб келдим. Мебель сотиб олмоқчимиз.

— Менимча, ҳужжатларингиз жойида, — дейди уларни кўздан кечиргач, Замира Азизова. — «Пахтабанк»нинг туман бўлимига боринг. Улар билан келишувимиз бор. Ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредити ажратиш масаласида ҳамкорликда ишлаймиз.

— Замирахон, анча кишини қабул қилганингизни кўрдик, — дейман унга. — Турли масалалар кўтарилаяпти. Коммунал хизматларга дахлдор мурожаатлар кўп экан. Жойларда ўтказилган йиғилишларда ҳамманинг муаммоси ечими ҳақида ваъда бераверсангиз, уларни қандай уддалайсиз?

— Асло ваъда бермаймиз, — деб кулади Замира Азизова. — Балки мурожаатлардаги масалаларни ҳал қилишга кўмаклашамиз. Саволлар тушаяпти, мурожаатлар бўлаяпти. Бу масалаларни ёлғиз ўзимиз ҳал қилолмаймиз, алbatта. Депутатларимиз, партиямиз фаоллари, хайрихоҳларимизга таянамиз. Айрим мисолларни айтай. Лаганди қишлоғида электр трансформаторини таъмирлаш масаласида депутатимиз Суюн Абдиевнинг хизмати катта бўлди. Ёки «Қарши магистрал канали» бошқармасини олайлик. 500 киши ишлаётган, дашт туманларини сув билан таъминлаётган бу ташкилотга партиямиз фаоли Икром Юсупов раҳбарлик қилади. У ердаги бошланғич ташкилот 27 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Кўплаб масалаларни ҳал қилишда шу киши маслаҳат ва амалий ёрдам беради. Бундай фаолларимиз жуда кўп. Айни пайтда фуқаролар мурожаатларида кўтарилаётган уй-жой-коммунал хизматлари билан боғлиқ масалаларни депутатларимиз кўмагида туман ҳокимлиги эътиборига ҳавола қилаяпмиз...

Телефон қўнғироғи суҳбатимизни бўлди. «Пахтабанк» туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Зокиржон Азизов телефон қилаётган экан. Замира юборган Мансур Чўлиевнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, бу ёш оилага мебель сотиб олиш учун кредит берадиган бўлишибди. Тақдим этилган ҳужжатлари асосли экан...

Одамлар туман кенгаши, Жамоатчилик қабулхонаси эшигидан тортинмай кириб келаётгани кишини қувонтиради. Чунки бу ерда қоғоздаги маълумотлар билан эмас, ҳақиқий қайноқ ҳаёт билан, турмуш ташвишлари, орзу-умидлар билан юзма-юз келасиз. Партиямизга хайрихоҳ бўлган одамларнинг ишончига гувоҳ бўласиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватан ҳимояси — олий шараф

Жанговар ва жисмоний тайёргарлик синови

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг ўн беш йиллиги муносабати билан Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам мазкур танлов хусусида шундай деган эди: **«Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад — юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.**

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия микёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман».

Дарҳақиқат, ҳеч муболағасиз айтиш керакки, бу танлов асл профессионалларни, моҳир ва маҳоратли ҳарбий мутахассисларни кашф этмоқда, уларнинг касбий ва интеллектуал билимлари янада ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Танлов иштирокчилари ва уларга белгиланган шартлари ҳам қизиқарли: яъни **«Энг илғор сержант»** номинациясида — шартнома асосида Қуролли Кучлар сафида бир йилдан ортиқ хизмат қилаётган ҳамда алоҳида тайёргарлик машғулотларида фаол, аъло ва яхши натижаларни қўлга киритиб келаётган сержантлар қатнашишади. Ғолибликни қўлга киритган кичик командирлар олий ҳарбий ўқув юртларига ва сержантлар тайёрлаш мактабларига танловсиз қабул қилинади ҳамда навбатдаги янги лавозимларга қўйилади.

«Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бир йилдан зиёд муддат мобайнида гуруҳ командири вазифасида хизмат қилаётган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида яхши кўрсаткичларга эришган офицерлар ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар иштирок этади.

«Энг илғор взвод командири» номинациясида эса шу вазифада хизмат қилаётган ва барча машғулотларда энг юқори натижаларни қайд этиб келаётган офицерлар қатнашади. Гуруҳ ва взвод командирлари 3 минг метрга қурол билан югуриш, автоматдан нишонга отиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, тест ва ҳарбий топография ҳамда қўл остидагилар билан ишлаш каби йўналишлар бўйича беллашдилар.

«Энг илғор батальон командири» номинациясида эса ҳарбий қисм ва бўлинмаларда батальон командири ёки уларга тенг вазифада хизмат қилиб келаётган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида яхши кўрсаткичларга эга бўлган офицерлар иштирок этишди. Ғолиблар Қуроли Кучлар Академиясига танловсиз қабул қилинадилар.

Танловнинг бу галги республика босқичида барча округлардан биринчи ва иккинчи босқичлар ғолиби бўлган офицер ва сержантлар фаол иштирок этишди.

— Бир неча йилдан буён ўтказилиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида бизнинг округимиз ташкилотчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди офицер Юлдошали Раҳмонов. — Танловнинг юқори савияда ўтиши учун иштирокчиларга барча шароитлар яратилди.

«Энг илғор сержант» номинацияси иштирокчилари отиш майдончасида 1-ўқув назорат машқини бажаришмоқда. Нишон 200 метр узоқликдаги масофага ўрнатилган. Бунда барча иштирокчиларнинг профессионаллиги яққол кўзга ташланиб турибди. Энг юқори кўрсаткични Шимоли-ғарбий ҳарбий округ вакили, кичик сержант Алишер Мирзакаримов қайд этди.

— Ушбу танловнинг республика босқичида иштирок этаётганимнинг ўзи мен учун катта шарафдир, — дейди кичик командир. — Мана, биринчи шартдан муваффақиятли ўтдим. Ҳали олдинда яна бир қатор босқичлар бор. Албатта, маҳоратим ва билимларим панд бермайди, деган умиддаман.

Шунингдек, Чегара қўшинларидан кичик сержант А.Примов ва Қоровул қўшинларидан кичик сержант А.Аҳмеджоновлар ҳам отиш машқини юқори натижаларда якунлашди.

Взвод командирлари эса 3 минг метрга қурол-аслаҳа билан югуриш шартида куч синашдилар.

— Мазкур шарт натижаларидан кўриниб турибдики, — дейди Мудофаа вазирлиги масъул офицери Мансур Мадаминов, — йигитлар катта тайёргарлик кўришган. Югуриш йўлагида турли баландликлар ҳам мавжуд. Бу ҳам ўз навбатида улардан юқори жисмоний тайёргарликни талаб қилади. Бироқ натижалар биз кутганимиздан ҳам яхши.

...Отиш майдончаси. Бу ерда батальон командирлари пистолетдан ўқ отиш машқини бажаришмоқда. Офицерлар тик турган ҳолда, пистолетни бир қўлда ушлаб нишонларни мўлжалга олишмоқда.

— Пистолетдан нишонга отиш анчагина маҳорат ва тажриба талаб қилади, — дейди танлов комиссияси аъзоси, офицер Алишер Саидов. — Диққатни бир жойга жамлаб, қўл ҳаракати ва нафас олишни уйғунлаштириш лозим. Офицерлар бир неча йиллик тажрибага эга. Шунинг учун ҳам улар бу шартдан муваффақиятли ўтишмоқда.

Танловнинг иккинчи куни. Гуруҳ командирлари тўсиқлардан ошиб ўтиш машқини бажаришмоқда. Бу шартда посбонларнинг чаққонлиги, эпчиллиги ва жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилади. 100 метрлик масофага югуриб борилади ва қайтишда бир неча тўсиқлардан ошиб ўтилади. Бу ҳол бир вақтнинг ўзида икки марта такрорланади. Албатта, бунинг учун посбон ўта иродали, соғлом бўлиши ҳам лозим.

Офицерлар — Ш.Жалилов, А.Ҳамдамов, Д.Абдужалиловлар энг юқори натижани қайд этишиб, эпчиллигу чаққонлик бобида бошқаларга намуна бўлишди.

Югуриш майдончаси. Бу ерда «Энг илғор сержант» номинацияси иштирокчилари 3 минг метрга югуришмоқда.

– Мен десантчилар қисмида хизмат қиламан, — дейди ғолиблардан бири, кичик сержант Э.Мадаминов. — Бу нуфузли танловда қатнашиш учун ўз устимда тинимсиз ишладим, тажрибали офицерлардан керакли маслаҳатларни олдим. Шу боис икки босқичдан муваффақиятли ўтиб, учинчи босқичга етиб келдим...

— Мен ушбу танловда бир неча бор қатнашиб, яхши натижаларга эришиб келаяпман, — дейди батальон командирлари ўртасида 5 минг метр масофага югуриш мусобақаси ғолибларидан бири офицер М.Нажмиддинов. — Бундай танловнинг ўтказилиши бизнинг касбий маҳоратимиз ва интеллектуал салоҳиятимиз ошишида муҳим роль ўйнамоқда.

Энг асосийси, бу танлов биз учун жисмоний ва жанговар тайёргарлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Айни чоғда иродамизни ҳам мустаҳкамламоқда.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
ҳарбий журналист.
Камолиддин ТЎРАЕВ
олган суратлар.

Истиқлол имкониятлари

Жавоҳирли хазина

Мустақиллик зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланиши муқаррар бўлган Хонжиза конида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида

Табиати ўзгача, иқлимида тўрт фасл мужассам Сурхондарёнинг Ҳисор тоғ тизмалари бағридамиз. Атроф оппоқ қор. Осмон ойнадек тиниқ. Асрларга гувоҳ тоғларда салобат. Қуёшнинг заррин нурларидан кўз қамашади. Хонжиза конида эса ҳаёт қайнаяпти: йўлсоз, ҳайдовчи, бурғуловчи, муҳандису мутахассислар қизғин меҳнат қучоғида.

Бу тизмаларнинг энг баланд нуқтаси — Хўжапирях денгиз сатҳидан 4303 метр баландликда. Мамлакатимизда энг баланд чўққи (4688 м.) ҳам айнан шу ҳудудда... Жануби-ғарбда Боботоғ билан Бойсунтоғ... Қирқ квадрат километрни эгаллаган мазкур ҳудудда 3 миллион тоннага яқин рух, қўрғошин, кумуш ва бошқа захиралар борлиги аниқланган...

Аср қурилиши — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли ишга тушгач, Президентимиз ташаббуси билан Хонжизада ҳам хайрли ишлар бошланди. Конни ўзлаштириш учун 71 миллион доллардан ортиқ сармоя ажратилди.

— Вилоят жанубидаги ишлар давоми ҳозир шимолга кўчди, — дейди **Хонжиза тоғ-маъдан комплекси директори Ҳайдар Хўжамуродов.** — Режа бўйича якунланган йилда 2 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш ва ер ишлари бажардик. «Дебодом-Кенгузар» йўналишида 30 километрдан ортиқ йўл бугунги кун талабига тўла жавоб беради. Илгари тор, ўнқир-чўнқир тоғ ва дара йўлакчалари ўрнида бугун 9 метр кенгликда текис, равон йўл тушди. Насиб этса, эрта баҳордан асфальт ётқизилади. Бурғулаш-портлатиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Март ойидан 19 километр узунликдаги темир йўл қурилиши бошланади...

Буларгина эмас, ўтган 2007 йилда 20 гектарли ҳудудда тоғ-маъдан фабрикаси пойдевори ташланди. Собиқ «Хонжиза» дам олиш масканида қурилиш маҳсулотлари учун омбор, тез тиббий ёрдам хоналари тайёр. Олтита турар жой бинолари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси қурилиши жадал давом этмоқда. Келажакда бу ерда қўркам шаҳарча бунёд бўлади. 2009 йилнинг баҳорига бориб, 650 минг тонна руда қазиб олинади. Бир сўз билан айтганда, Хонжиза конининг ўзлаштирилиши мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш билан бирга минглаб ёшларнинг иш билан таъминланишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда ҳозир йилига 3 миллион тоннадан ортиқ кўмир ишлаб чиқарилмоқда. Яқин йилларда бу кўрсаткич 8,3 миллион тоннага етказилади. Бунинг учун 300 миллион долларлик йирик лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бойсун ва Шарғун кўмир конлари маҳсулотлари келажакда нафақат халқимиз эҳтиёжини қоплайди, балки хорижга ҳам экспорт қилинади. Шунингдек, тикланаётган Тўпаланг ГЭСи аграр соҳа ривожи билан бирга электр энергияси таъминотини ҳам мустаҳкамлайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги йил совғалари

Навоийлик ёшлар учун

Ҳар йили мустақиллик байрами тантаналарида бўлгани каби Янги йилга ҳам янги совғалар ҳозирлаш, бири-биридан кўркли, замонавий иншоотларни ишга тушириш бунёдкор халқимизда одат тусига кирган. Бутун республикамизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам бу борада қатор байрам туҳфалари ҳозирланди: Учқудуқ шаҳридаги «Лочин» спорт комплекси ва унинг 13-кичик туманидаги 630 ўринли 30-мактаб биноси, олтинсозлар шаҳри — Зарафшонда 490 ўринли ўқув масканлари...

Шунингдек, Томдибулоқда 2 та янги турар жой биноси, Хатирчида 540 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, Кармана туманининг Жалойир, Навбаҳор туманининг Қалқонота қишлоқларида коллеж ва лицейлар ҳам, шубҳасиз, Янги йилга туҳфалардир.

— Якунланаётган йил тарихда «Ижтимоий ҳимоя йили» сифатида қолаётган бўлса, 2008 йил Ёшлар йили бўлиб киради, — дейди **вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш инжиниринг компанияси директори Баҳодир Мансуров.** — Демак, келажагимиз ворислари учун бу йил бултургига қараганда ҳам кўпроқ замонавий боғча ва яслилар, шинам мактаблар, болалар спорт комплекслари бунёд этилади...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Маҳаллада коллеж

Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани Соҳибкор маҳалласида 540 ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур замонавий таълим маскани кенг, шинам синфхоналар, фан кабинетлари, компьютер хоналари, лаборатория, ахборот-ресурс марказини ўз ичига олади.

— Ушбу замонавий ўқув маскани ўқувчиларимиз учун Ёшлар йилида муносиб совға бўлди, — дейди коллеж директори Анорбой Усмонов. — Ўқувчиларимиз бундан бениҳоя мамнун. Бу мамлакатимизда ёш авлод камолотига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Қўшма корхона

пахта саноати тизимлари хизматида

Пскент туманидаги «Кенап» ўзбек-чех қўшма корхонаси асосан пахта саноати корхоналари ва пахта пунктлари учун брезент ишлаб чиқаради. 2007 йилнинг март ойида тўла қувват билан иш бошлаган жамоада ҳозирча 100 нафардан ортиқроқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқдалар.

— Тўқув-тайёрлов ва бўяш-пардозлаш цехларимизни кенгайтириш ҳисобига яна ўнлаб янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаяпмиз, — дейди қўшма корхона директори Виталий Магай. — Бунинг учун янги дастгоҳлар ва замонавий ускуналар келтириб, уларни ўрнатиб бўлдик.

Дарвоқе, қўшма корхона ўтган йили тармоқ саноати меҳнат жамоаларига етарли даражада брезент етказиб берди. Ва корхона жамоаси бугунги кунда Янги йил учун истиқболли режалар ишлаб чиқаётир.

Суратларда: тўқув-тайёрлов цехи ишчиси Жамила Файзиева ўз дастгоҳи ёнида; тўқувчи Раъно Абдулина ўз иш натижаларидан мамнун.

Козим ЎЛМАСОВ
олган суратлар.



Долзарб мавзу

«Йодланган»

тамғаси ортидаги сир-синоатлар ва истеъмолчи ҳуқуқи ҳақида

— Хулосам шу, организмда йод танқислиги бошланган...Бу моддага бой маҳсулотларни кўпроқ ейиш керак. Йодланган туздан фойдаланасизми?

— Бўлмасам-чи, фақат «йодланган» деган ёзуви борларинигина харид қиламан...

(Шифокор қабулидаги суҳбатдан)

Нигора ўз қабулига келадиган ҳамма аёллар, айниқса, бўлғуси оналарга шу саволни такрорлашдан чарчамайди. Жавоб эса ҳар доимгидек. 1996 йилдан бошлаб республикамизда туз йод билан бойитилиб чиқарилмоқда. Аммо нега ҳали ҳам йод етишмаслиги аёллар ва болалар ўртасида энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлиб қолмоқда?

Тақдир тақозосига кўра, айрим ҳудудларда йод жуда кўп миқдорда бўлса(айниқса, денгиз бўйларида), баъзи жойларда меъёридан анча кам. Афсуски, бизнинг юртимиз ҳам тупроғи ва сувида бу элемент ўта кам миқдорда учрайдиган давлатлар сирасига киради.

Бу касаллик белгиларини ким билмайди дейсиз: ланжлик, қалқонсимон безнинг катталашиши, тери қуруқлиги, хотиранинг пасайиши....Хуллас, биз бу мавзуга оид ўз кузатувларимизни давом эттирайлик-чи.

Мурод РАШИДОВ, Эндокринология институти бўқоқ бўлими илмий ходими:

— Йод танқислиги — бу глобал муаммо. Лекин баъзилар унинг тузатиб бўлмас асоратлари борлигини ҳали ҳам билмайди. Ҳукуматимиз бу борада қатор ишларни амалга ошираётганига қарамай, аҳолининг тиббий маданияти етарлича шаклланмагани боис йод танқислигидан ўрта ва енгил даражада азият чекаётганлар сони жуда секинлик билан камаймоқда. Менимча, одамларимиз хасталик анча вақт яширин кечиши ва нафақат бир киши, балки бутун авлод саломатлигига хавф солишини ҳали тўла тушуниб етгани йўқ. Ҳатто, бу касалликдан хабари бўлганлар уни ўзларича даволамоқчи ҳам бўладилар. Йодни ўзбилармонлик билан сут ва бошқа нарсаларга қўшиб истеъмол қилиш — умуман нотўғри эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

ЮНИСЕФ болалар жамғармаси ва Эндокринология институти хулосаларига кўра, 1998 йилдан 2004 йилгача йод танқислиги касалликлари болалар орасида **62,9%** дан **47,6%** га, катталарда **53,4%** дан **47,6%** гача камайган бўлсада, бу муаммо ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўрсатмасига биноан, агар маълум ҳудудда йод танқислигининг тарқалиши 30% дан кўп бўлса, бу оғир йод танқислиги мавжуд ҳудуд саналади.

Маълумки, йод танқислиги касалликларининг энг самарали профилактикаси **— бу ош тузини йод билан бойитиш!** Бу янгилик эмас, чунки йодланган туз ҳар битта бозор ва дўконларда бор.

Омонқул БОЙҚУЛОВ, Осиё Тараққиёт Банкининг JFPR 9005 грант лойиҳасининг Ўзбекистондаги координатори:

— БМТнинг UNICEF фонди Ўзбекистонга тузни йод билан бойитадиган 8 та ускуна, 25 тоннадан ортиқ йодат калий, йодни аниқлайдиган 230 та лаборатория ва реактивлар берган. 2001 йил Осиё Тараққиёт Банки 1 млн. 200 минг АҚШ доллари миқдорида грант лойиҳасини киритди. Лойиҳа асосида 7,5 тонна йодат калий, 12 та йодловчи ускуна ва 5 та қадоқловчи машина олиб келинган. Давлат санитария-эпидемиология туман марказларига йодни аниқлайдиган 220 та лаборатория берилган. Ўзбекистон Республикаси туз ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси тузилди...

Бир қарашда юртимизда йодланган туз ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароит етарлидек. Хўш, унда нега бу касаллик чекинмаяпти? Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина давлатлар бугунга қадар йод етишмовчилиги муаммосини ҳал этган. Бироқ ушбу муаммо устидан олиб борилаётган назоратнинг сусайиши йод танқислигининг қайта юзага келишига олиб келади.

2002 йилдан бошлаб республикамизда йодлаштириш мониторинги ЮНИСЕФ ва Эндокринология илмий-текшириш институти мутахассислари томонидан 3 босқичда — **ишлаб чиқариш, сотиш** ва **истеъмол** босқичида олиб бориляпти. 2002 йил таҳлилларига кўра, ишлаб чиқарилган барча туз миқдори йодланган. Лекин унинг **18,7 %** гина жаҳон стандартларига жавоб беради, холос. Олдисотди босқичида олинган 454 та намунадан 37,9% да йод йўқ бўлган, фақат 14,1 % гина талаб даражасида йодланган. Учинчи босқичда хонадонлардан олинган 345 та туз намунасидан 44,3 % да йод аниқланмаган, 47,6 фоизигина «Ўзстандарт» агентлиги қўйган талабга жавоб берган.

Келинг, энди юқоридаги кўрсаткичларни бирма-бир таҳлил қилсак. Демак, **биринчи босқич — ишлаб чиқариш** билан боғлиқ жараён.

Васила АБДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги синов сертификатлаштириш маркази кимё-биологик лабораторияси мудири:

— Марказимиз ўтказган мониторинг натижасига кўра, 2004 йил Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган тузнинг 10 %ини йод билан бойитилган тузлар ташкил этган. Йил сайин бу кўрсаткич ошиб бормоқда. 2005 йил 40% ва 2006 йил 60% тузлар йод билан бойитиб чиқарилган. Аммо уларнинг бари юқори сифатли, меъёрида йодланган деб бўлмайди. Туз сочилувчан, қазиб чиқарилган жойига қараб оқ, қизғиш, кўкимтир, кулранг, сариғ бўлади. Ортиқча таъмсиз ва озгина йод ҳиди бўлиши ҳам мумкин. **Полимер, полипропилен плёнкали пакет, пластмасса, картон ва шиша идиш**ларда қадоқланишига рухсат берилган. Тузнинг тамғасида **туз нави(экстра, биринчи ва иккинчи), товар белгиси, манзил(телефон), маҳсулот номи, йириклиги, оғирлиги, ишлаб чиқарилган сана, яроқлилик муддати, йодловчи модда номи, йод миқдори, миллий мувофиқлик белгиси** аниқ кўрсатилиши шарт. Афсуски, ҳозирда ҳамма туз ишлаб чиқарувчи корхоналар юқоридаги талабларни инобатга олаяпти, деб бўлмайди. Корхоналардаги энг катта муаммо - текширув лабораториясининг йўқлигидир. Шунингдек, уларнинг тузни нотўғри қадоқлаши оқибатида тузга бириктирилган йод ҳавога учиб кетиши мумкин.

Энди **иккинчи босқич – тузни сотиш** жараёнига назар ташлайлик.

Кунора ишлатиладиган маҳсулот – тузларнинг сотувдаги турларини кўздан кечириш учун пойтахтдаги айрим супермаркет ва кичик дўконларга кирдик. Очиғи, «Улуғ ош тузи», «Барака», «Қодиржон хўжа», «Садаф», «Сетора», «Моҳи чеҳра» каби биз билмаган тузларни синчиклаб кўриб, маҳсулот исми-жисмига монанд эмаслигига амин бўлдик. «Моҳи чеҳра» ва «Барака» тузларининг қадоқланган вақти кўрсатилмаган, «Сетора», «Қодиржон хўжа» намуналари эса яхши қадоқланмаган.

Шуҳрат ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назоратининг овқатланиш гигиенаси бўлими мудири:

— 2002 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида йод танқислигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Сабаб 1995-2002 йилларда аҳоли ўртасида йод танқислиги касалликлари камайиш ўрнига ўсиб бораётган эди. Вақтида кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. 2003 йил пойтахтимизда сотувга чиқарилган 200 тонна ош тузи истеъмолга яроқсиз экани аниқланиб, сотувдан олиб ташланган. 2004 йил бу кўрсаткич 180 тонна, 2005 йилда эса 70 тоннага камайди. Ушбу фаолият турини назорат қилиш асосан Давлат санитария-эпидемиология марказлари зиммасида. Аммо улар мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз корхона ва савдо нуқталарини текширишга ҳақлари йўқ. Иккинчи томондан, сифатсиз ва қалбаки тузларнинг пайдо бўлишига кўп жиҳатдан истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам сабабчи. Чунки фақат мўмай даромад топишни ўйлаган айрим фирибгарлар энди савдога сифатсиз тузни чиқариш фойда бермаслигини тушуниб, маҳаллаларга, қишлоқ-овулларга кириб бораяпти. Ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида биргина Тошкентда 270 тонна сифатсиз туз ноқонуний сотилгани аниқланди. Килосини арзонгина эллик сўмдан экан, деб хурсандчилик билан сотиб оладиганлар турганда, уларга ўша эллик сўмлик тузни топиб берадиган «тадбиркорлар» ҳам бўлади-да!

Мутахассиснинг гапида жон бор. Истеъмолчининг талаби сохта ишбилармонларни пул илинжида турфа тадбирлар ўйлаб топишга туртки бўлаётгани биз харидорларни тўғри харид қилишга ундаши лозим.

Васила Абдуллаева изоҳи:

— Туз сотиб олаётганингизда сифатсиз тузнинг белгилари – **қорамтир ранги, йириклиги ва муддати ўтганига кўз юмманг.** Тузнинг яроқлилик муддати тугагач, уни корхонага қайтиб топшириш керак. Сифатсиз тузда кераксиз моддалар бўлади, у ҳатто техник туз бўлиши ҳам мумкин. Оддий мисол, **экстра навли тузнинг бир қошиғи 20 гр бўлса, биринчи ва иккинчи навли баъзи тузларнинг бир қошиғи 12 граммдан иборат.** Сифатли тузнинг **яна бир белгиси** – унинг яхшилаб **қадоқланганига** ҳам боғлиқ. Полиэтилен қадоқ қўл билан йиртиб бўлмас даражада мустаҳкам бўлиши шарт.

Айтиш керакки, сифатли ва йодланган тузни сотувда топиш осон иш эмас. «Йодланган» деган тамғанинг ўзи туз ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Сифатли тузнинг яққол белгиси — унинг **сифатли қадоғи** эканини унутманг.

Рустам ҲАКИМОВ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси:

— 2006 йилда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, ЮНИСЕФ ва Эндокринология илмий-текшириш институти томонидан республика бўйича жами 6266 та туз намунаси мониторинги ўтказилган. Мониторинг ўтказиш давомида савдо субъектларида мавжуд бўлган ош тузларни тамғалашдаги бир қанча камчиликлар аниқланди. Ишлаб чиқарувчининг манзили, ишлаб чиқарган вақти кўрсатилмаган.

Энди сизу биз учун **муҳим босқич – истеъмол** жараёнига тўхталсак.

Ақида УСМОНХЎЖАЕВА, Тошкент шаҳар тажриба ва сертификация маркази бош мутахассиси:

— Ишлаб чиқарилаётган йодланган тузнинг бари аҳолига етиб бормаслигига истеъмолчиларнинг ўзи айбдор. Сифатли йодланган туз 300 сўмдан арзон бўлиши мумкин эмас. Бир оила бошига ойига 300-400 сўмлик туз кетади. Баъзи бекалар боласига ҳар куни салқин ичимлик ё сақичга шунча пул беради, аммо сифатли тузни сотиб олишдан пулни тежайди. Бундай «тежамкорлик» халқимизда ҳалигача истеъмол молларини сотиб олиш маданияти етарли ривожланмаганидан далолат беради.

Иккинчи масала, тузни тўғри сақлашдир. Уйга олиб келгач, албатта, тузни қопқоқли идишга бўшатинг. Баъзи бекалар тузни сотиб олган полиэтилен қадоғи билан сақлаб, унга хўл қўлини солиб ишлатаверади. Бу умуман нотўғри. Туз доим ёпиқ ҳолда, намлик ва юқори ҳароратдан йироқ бўлиши керак. Акс ҳолда ундаги йод ҳавога учиб кетади. Яна бир муаммо — бекалар тузни бир йилдан ортиқ сақлаб бўлмаслигини билмайди, айниқса, вилоятларда тузни қоплаб ғамлаб олиш анъанасининг ҳамон сақланиб қолаётгани ачинарли. Йод билан бойитилган тузнинг яроқлилик муддати бир йилни ташкил қилади. Шу боис уни ҳеч қачон қоплаб сотиб олмаслик керак.

Раҳим ИСЛОМОВ, Республика СЭСи қошидаги стандартлаштириш ва метереология бўлим бошлиғи:

— ЮНИСЕФ, СЭС ва Эндокринология институти она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида мактаб ва маҳаллаларда мониторинг ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиқаяпти. Бу муаммони фақат давлат ҳал қилади, деб кутиб ўтириш керакмас, кўп демократик мамлакатларда бундай кенг қамровли муаммо асосан жамоатчилик кучи билан ҳал этилади. Маҳалла ўз ҳудудидаги новвойхона, чойхона ва ошхоналар ишлатадиган тузларни назорат қилса яхши бўларди.

Албатта, биз сўз юритаётган бу масала жиддий ва долзарб. Мутахассислар ҳам бежизга энг аввало бизнинг ўзимиз, яъни кенг жамоатчилик ИСТЕЪМОЛЧИ сифатида ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни тўғри англаб олмоғимиз, қолаверса, энг катта бойлик бўлмиш саломатлик учун ҳар доим хушёрлик зарур эканлигини унутмаслик кераклигини қайта-қайта таъкидлашмади.

Демак, йод танқислиги ортидан пайдо бўлаётган муаммоларга ечим топиш фақат шу соҳага дахлдор одамлар ёхуд муассасаларга боғлиқ эмас, аксинча, сизнинг, бизнинг, хуллас, ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Парвез МУШАРРАФ:

Беназир Бхуттонинг ўлимида соқчиларнинг айби йўқ

Покистон Президенти Парвез Мушарраф мамлакат собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг ўлимига ҳарбийлар ёки разведка аралашган бўлиши мумкин, деган айбловни рад этди

Шунингдек, П.Мушаррафнинг сўзига кўра, Б.Бхутто ўлимида соқчиларнинг ҳам айби йўқ. Президент таъкидлашича, Бхутто митинг чоғида хавфсиз бўлиши учун машинадан тушмаслиги керак эди, деб ёзади «Associated Press».

Олдинроқ Б.Бхутто тарафдорлари унинг ўлими ҳақида «бор ҳақиқатни билишнинг ягона усули» сифатида текширув ишларини БМТ олиб боришини қатъий талаб қилгандилар. Энди маълум бўлишича, бу иш юзасидан Покистон ҳукуматига Буюк Британия ҳам ёрдам беришга тайёр.

«Мен Бхуттонинг ўлими юзасидан олиб борилаётган қидирув ишларидан ўз қониқишимни билдира олмайман, — деган Парвез Мушарраф 2 январь куни Исломободда бўлиб ўтган матбуот анжуманида. — Бизга ўзимизда йўқ бўлган катта (эҳтимол, юридик ва техник) тажриба керак. Шунинг учун ҳам мен Скотланд Ярд кўпроқ ёрдам беради, деб ишонаман».

Эслатиб ўтамиз, Покистоннинг салоҳиятли сиёсатчи аёли, собиқ бош вазир Беназир Бхутто 2007 йил 27 декабрь куни мамлакат ғарбида жойлашган Равалпинд шаҳридаги митингда иштирок этишга келган чоғида террорчи-камикадзе томонидан ўлдирилган эди. Қотил олдинига Бхуттога бир неча бор ўқ узиб, кейин портлатиш қурилмасини ишга туширган. Ўшанда Бхутто билан бирга 20 нафар киши ҳам ҳалок бўлди. Бўйни ва кўксидан оғир жароҳат олган Бхутто зудлик билан яқин шифохоналардан бирига келтирилган бўлишига қарамай жарроҳлар унинг ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Беназир Бхутто бутун ҳаёти давомида Покистонни демократик давлатга айлантириш учун курашиб келган мухолифатдаги таниқли, нуфузли ва оқила сиёсатчи эди. У доим мамлакатни ислом экстремистларидан на полиция, на армия, фақат ва фақат демократик институтлар ва ҳуқуқий давлатгина қутқариб қолиши мумкин, деган изчил фикрда эди.

«Ал-Қоида» видеомурожаат тайёрламоқда

Интернетда «Ал-Қоида» халқаро тармоғи террорчиси Аззам ал-Амрикнинг янги видео мурожаатидан анонс пайдо бўлди. Афтидан соқол қўйган ва анъанавий катак-катак палестин рўмолига ўранган террорчи «Ал-Қоида» тиббиёт бўлинмаси («Ас-Сахаб» ташкилоти) номидан интернет сайтларидан бирида кўриниш берган.

Аззам ал-Амрик (асл исми Адам Йехен Гадан) АҚШ ҳукумати томонидан «Ал-Қоида»га ҳамкорлиги тахмин қилинаётганлиги муносабати билан давлат хоинлигида айбланмоқда. АҚШ маълумотларига кўра, илгари Калифорнияда яшаган мазкур шахс ўз Ватанида ўлим жазоси хавф солаётганлиги учун ҳозир Покистонда яширинмоқда, деб хабар қилади «Associated Press».

Аззам ал-Амрикнинг бунгача бўлган сўнгги видеомурожаати 2007 йилнинг августида эфирга чиққан бўлиб, у бевосита АҚШ президенти Жорж Бушга йўлланган эди. Террорчи ўшанда америкаликлар «барча мусулмон ерларидан» чиқиб кетишини талаб қилувди.

Сўнгги ойларда «Ал-Қоида» ўз «нома»ларини кенг жамоатчиликка етказишга бўлган уринишларини муайян даражада кучайтирмоқда. Жумладан, 2007 йил декабрь ойининг ўзида «Ал-Қоида» «2-рақамли террорчи» Айман аз-Завахир мурожаатини икки марта, шунингдек, унинг виртуал тасвирий матбуот анжуманига таклифини эълон қилди.

Халқаро тадқиқотчилар маълумотларига кўра, террорчилар энди ҳақиқий ахборот ҳужумини бошлашмоқда. Ҳозир «Ал-Қоида» ғояларини ташвиқ қилувчи 5,6 мингта интернет-сайтлари мавжуд бўлиб, бундай ресурслар йилига янгидан 900 тагача пайдо бўлаяпти.

Саудия Арабистони тадқиқотчиси Халед ал-Фарамнинг фикрича, «Ал-Қоида» энди урушни ҳарбий операциялар йўли билан эмас, ахборот ҳужуми йўли билан олиб боришаяпти. Бу йўл билан улар жаҳон мамлакатлари хавфсизлигига жиддий хатар солмоқдалар.

Японияда лифтсозлик синови учун янги минора

Мамлакатнинг Mitsubishi Electria корпорацияси лифтсозлик қурилиши соҳасида янги технологияларни тест (синов)дан ўтказувчи ва тез ҳаракатланадиган лифтларнинг янги «авлоди»ни имтиҳон қилувчи 173 метр баландликда минора қурди. Солэ минораси деб ном олган мазкур иншоот Иназов шаҳридаги диққатга сазовор янги жойлардан бири бўлиб қолди, деб хабар қилади Би-Би-Си.

Лойиҳа қиймати 50 миллион доллар бўлган минора Mitsubishi Electricга амалда тезкор лифтлар қисмлари ва ускуналари созлигини текшириш имконини беради.

Бугунги кунда жаҳонда энг узун бундай иншоот Тайван пойтахтидаги «Taipei-101» мораси бўлиб, унинг баландлиги (шпил буғимлари билан) 509 метр. «Taipei-101» лифтлари Toshiba Elevator and Building Systems компаниясида ишлаб чиқарилади, тезлиги (61 километр соат) 17 метр секунд. Лифтлар босими махсус ускуналанган тизим назоратида бўлиб, улар жаҳонда жуда тезкор лифтлар ҳисобланади.

Яқин келажакда дунёда энг баланд бундай тур иншоотлар номини олиш учун Дубай, Москва, Шанхай ва Чикагода қурилаётган миноралар ҳам «мусобақа»га тушишлари кутилмоқда. Масалан, «Москва-Сити» ишбилармонлар маркази миноралардан бирида бўғимлар улашган жой — шпилгача бўлган баландлик 506 метр бўлиши эҳтимоли бор. Жудаям баланд иншоот Буюк Британия ва Европада бўлади, деган тахминлар ҳам мавжуд. Балки, у Лондон-бридж станцияси атроф ҳудудлари ривожланиш режасига кўра Shard пирамидаси бўлиши ҳам мумкин.

Таълим фидойилари

Имтиёзли муаллима

...Ҳазораспда ҳазилни яхши кўришади. Кимлигидан қатъи назар, деҳқонми у, профессор ё шифокорми, хуллас, яхши маънода ҳам ишига, ҳам ўзига тан бериб, ҳазиллашишади. Тўғриси, Гулпошшани «имтиёзли муаллима» деб таништирганларида аввалига биз ҳам ҳайрон бўлдик. Ким билади, балки ҳамкасблари ўзининг билим бериш услуби, қолаверса, болалар билан тил топа олиш санъатини пухта эгаллагани учун унга ҳавас қилиш ўрнига ҳасадлари келиб... киноя қилишдимикан?- деб ҳам ўйладик.

Қайда, кейин билсак... бу тиниб-тинчимас мураббий энг аввало 1994 йили Ҳазорасп туманидаги 1-сон иқтидорли болалар лицейини имтиёзли аттестат билан, сўнг эса Хива педагогика билим юртининг «Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар» йўналиши бўлимини ҳам имтиёзли диплом билан ва ниҳоят, 2005 йилда Урганч давлат педагогика университетини ҳам намунали тугатгани учун юқоридаги самимий эътирофга сазовор бўлган экан.

— Салкам саккиз юзга яқин ўқувчи таҳсил олаётган бу илм масканида 61 нафар ўқитувчи ишлаётган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёси ва билим бериш услуби ҳамда савияси билан ажралиб туради, — дейди Ҳазорасп туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори Ҳотам Бобожонов. - Лекин ҳали ёш бўлишига қарамасдан Гулпошша ўзининг изланувчанлиги ва бугунги давр талаби-руҳини теран англаб, чинакамига истиқлол фарзандлари бўлмиш ёшларга меҳр билан, муҳаббат билан сабоқ бераётир. Муаллимликнинг қувончини ҳам, ташвишини ҳам муаллим бўлган одам билади. Айниқса, бошланғич синф болаларига билим бериш учун катта сабр-ирода, чидам ва матонат керак. Ана шу фазилатлар Гулпошша Ражабовада мужассам бўлгани учун ҳам у бугунги кунда мактабимизнинг энг жонкуяр ўқитувчиларидан бирига айланган...

Жажжи болакайларга берилиб дарс ўтаётган Гулпошшага халақит бергимиз келмайди. Танаффус бўлишини кутамиз. Аксига олгандек, вақт ҳам чўзилаверади. Қўнғироқ чалинади. Ҳамма ташқарига отилади. Йўқ, биз кутаётган синф эшиги бўлса очилмайди. Тоқатимиз тоқ бўлиб, ўзимиз секин эшикни тақиллатамиз. Ва ичкаридан муаллима чиқиб келади: «Вой, танаффус ҳам ўтиб кетибди-ку болажонлар, қани беш дақиқа дам олинглар» дея бизга юзланади Гулпошша. Саволимиз ҳам ноодатий: «Чарчамадингизми?» У бош силкийди: «Нега чарчайман? Муаллимликни чидаганга чиқарган. Осон касб қайда бор экан, айтинг менга?»

Шундоқ ҳам хижолат тортиб турган мураббийни яна саволларга тутамиз: «Сизни туман миқёсида «Йилнинг энг яхши бошланғич синф ўқитувчиси» деб топишибди. Ҳамма мақтади»... «Қўйсангиза, ишим шу-ку менинг. Ўзи болалигимдан кичкинтойларни яхши кўрардим. Булар билан ишлаш осон, десам айримлар фикримга қўшилмайди. Нега десангиз, уларнинг ҳали кашф этилмаган қанча дунёлари бор. Бу ёшдаги болаларни тушуниш ва англаш учун жуда катта юрак керак, қалб керак. Баҳоли қудрат тил топиша олаяпман, шунисига шукр...»

«Сизни кўпчилик ҳамкасбларингиз «имтиёзли муаллима» дейишаркин» десак, у кулимсираб «Уларнинг ҳазилларида ҳақиқат бор. Оилада ҳам, ишда ҳам имтиёзларим деярли бир хил: уйда жигарларим, ота-онам қадрлашади, ютуғимдан ғурурланишади, мактабда эса ўқувчиларнинг менга бўлган ҳурмат-муҳаббатини... имтиёзлар деса арзимайдими? Аслида ҳаммамизга Яратганнинг улуғ мукофоти, имтиёзи бор. Булар яшаш ҳуқуқи, ишлаш ҳуқуқидир. Лекин ким бу дунёда тўғри яшаса, ҳалол ишласа, ҳаётнинг ўзи сийлайверади.»

Бир зумда атрофини ўраб олган кичкинтойлар ўзларининг меҳрибон муаллималарини «устоз, бугун биздан Ватан ҳақида шеър сўрайман» деганингиз, ёдлаб бўлдик, айтиб берайликми?» дея синфлари томон тортқилай бошлашди. Гулпошша ҳам хижолатомуз равишда биз тарафга қайрилиб «бугунги болаларни кўряпсизми, зеҳни жуда ўткир. Хотирасиям тиниқ. Кўз тегмасин, насиб этса, юзимизни ерга қаратишмайди, ишонаман», дея биз билан хайрлашди...

Кечагина эса таҳririятимизга Гулпошша Ражабованинг ўзи қўнғироқ қилиб, Янги 2008 йил билан барчамизни чин юракдан қутлаб, шундай деди: «Президентимиз бежиз янги йилни ЁШЛАР ЙИЛИ деб номламадилар.Бунда жуда катта рамзий маъно, моҳият бор. Негаки, ҳар бир миллат ва халқнинг, қолаверса, давлатнинг эртасини, келажагини белгилайдиган энг асосий омиллар бўлади. Ана шундай муҳим омиллардан бири, ҳеч шак-шубҳасиз ўз ортидан келаётган фарзандларига ишонч билдирмоқдир. Юртбошимиз иборалари билан айтганда эса **«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир»**. Бу эътирофнинг замирида оламжаҳон маъно-мазмун бор. Чунки биз каби ёшларга давлат даражасида катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган бир пайтда бутун мамлакатимизда расман Ёшлар йили дея эълон қилинишининг ўзи ҳам миллионлаб тенгдошларимга янада каттароқ масъулият юклайди. Биз эса ана шу юксак ишончни оқлаш учун янада кўпроқ ишлашимиз керак. Аслида ана шу эътироф замирида ҳам бизларга берилган катта имтиёз бор.»

Моҳинур ҚОДИРОВА.

Суратда: *Ҳазораспдаги 2-умумтаълим мактабининг изланувчан муаллимаси Гулпошша Ражабова (ўнгда) устозлари билан.*

Интер-спорт

ЦСКАнинг собиқ бош мураббийи

Эрон Футбол федерацияси билан шартнома имзолади



Португалиялик мутахассис Артур Жорже футбол бўйича Эрон миллий терма жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди. Унинг зиммасига мамлакат бош жамоасини 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финал босқичига олиб чиқиш вазифаси қўйилган.

Жорже шу йилнинг 2 январидан иш бошлади. Эрон футболчилари янги бош мураббий раҳбарлигида бугун Германиянинг «Ганза» жамоаси билан илк ўртоқлик учрашувини ўтказадилар. Артур Жорже 9 январда Қатарга қарши ўтадиган ўртоқлик учрашувида ҳам таркиб аъзоларини назоратдан ўтказишни режалаштирган. Унга португалиялик яна икки мутахассис ассисентлик қилади.

Ўз мураббийлик фаолияти мобайнида Артур Жорже 2003-2004 йилларда Москванинг ЦСКА жамоасини бошқарган. Унинг раҳбарлигида армиячилар Россия Суперкубогини қўлга киритган. Португалиялик мутахассис клуб мураббийи сифатида энг катта ютуққа 1987 йили «Порту» футболчилари билан эришганди. Шу йили жамоа аъзолари Европа чемпионлари кубоги соҳиби бўлган эди.

Артур Жорже турли йилларда Португалия, Камерун ҳамда Швейцария терма жамоаларида ҳам ишлаган. Аммо бирор маротаба сезиларли натижани қайд эта олмаган.

Эслатиб ўтамиз, эронликлар янги бош мураббий раҳбарлигида илк расмий ўйинни жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари доирасида Сурия терма жамоасига қарши ўтказадилар. Бу ўйин эса февраль ойида бўлиб ўтади.

Мукофот — 20 миллион евро

Мадриднинг «Реал» клуби президенти Рамон Кальдерон жамоа мавсумни муваффақиятли якунласа, мукофот пуллари миқдорини оширишга ваъда берди, деб хабар қилади AFP агентлиги. Агар «Қироллик клуби» аъзолари Испания миллий чемпионати, мамлакат кубоги ҳамда Европа чемпионлари лигасида ғалаба қозонишса, ҳар бир футболчига 900 минг евродан, жами 22 нафар ўйинчига 20 миллион евро мукофот берилади.

Мавсум бошида Кальдерон футболчиларнинг ҳар бирига 600 минг евродан мукофот ваъда қилганди. Агар мадридликлар муваффақиятли юришини кутилганидек якунлашса, бу миқдор яна 50 фоизга ошади. Эслатиб ўтамиз, «Реал» жамоаси Европа чемпионлар лигасида зафар қучса, УЕФА томонидан 40 миллион евро билан тақдирланади.

Айни чоғда мадридликлар Испания чемпионатида карвонбошилик қилмоқда. Жадвалнинг иккинчи поғонасини банд этган «Барселона» футболчилари улардан етти очко кам жамғарган. Европа чемпионлар лигаси нимчорак финалига йўлланма олган «Реал» аъзолари Испания кубоги 1/16 финалида «Аликанте» футболчиларига қарши майдонга тушадилар.

Охирги маротаба кўҳна қитъада бир йўла «хет-трик» ғалабага 1999 йил «Манчестер-Юнайтед» (Англия) жамоаси эришган эди.

Улуғбек ЁРМАТОВ тайёрлади.

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «TARO TEX BIZNES» МЧЖнинг Низом жамғармаси миқдори 40 млн. сўмдан 31 млн. 90 минг сўмгача камайганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ОАТ «Турон» банк жамоаси Марказий банк иқтисодий таҳлил департаменти директори ўринбосари — бошқарма бошлиғи **Отабек Комилжонович КОМИЛЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қамаши лимонлари

Қамаши туманидаги Қорақўтон қишлоғида 400 оила истиқомат қилади. Қишлоқ аҳли деҳқончилик билан бир қаторда лимон етиштиришда ҳам катта тажрибага эга.

— Қишлоқ аҳолисининг кирқ фоиздан кўпроғи лимончилик билан шуғулланади, — дейди миришкор Маъруф Азизов. — Бу ерда 1996 йилдан бошлаб лимон етиштириш йўлга қўйилган. Лимон кўчати ҳам шу ерда ўстирилади. Лимончилик ҳамқишлоқларимизнинг иш билан банд бўлишига ёрдам берди.

Айни вақтда вилоятдаги бошқа қишлоқларда ҳам лимончиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда эса қорақўтонликлар тажрибаси қўл келмоқда. Улар етиштираётган лимонлар бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарлари аҳолисининг дастурхонини безамоқда.

Суратда: ўз ишининг устаси Марғуба Аҳмедова қизи Навбаҳор билан.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Орамиздаги одамлар

Ўзимизнинг Талъат ака



Орамизда шундай ижодкорлар борки, улар қалам тебратадиган жанр ўта мураккаб ва масъулиятли. Талъат Солиев ўзининг 40 йиллик ижодий фаолиятини ана шундай машаққатли жанр — сиёсий публицистикага бағишлаган.

Бир қарашда осон туюлар, лекин салкам ярим аср давомида сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлаш ижодкордан метин ирода, юксак савия, ўта зийраклик, дунёда кечаётган сиёсий жараёнларни салоҳият тош-тарозусига солиб ўлчашни талаб этади. Яна бир муҳим жиҳати, сиёсий шарҳловчининг дам олиш, якшанба, байрам куни бўлмайди.

Турли давраларда «Ўзимизнинг Талъат ака» дея фахр билан тилга олинувчи таниқли шарҳловчининг ижодий фаолияти дастлаб Ўзбекистон телерадиокомпаниясида бошланган. Қолаверса, у «Ўзбекистон овози» газетасида ҳам узоқ йиллар сиёсий шарҳловчилик қилиб, муқаддас даргоҳда устозлардан тажриба, билим ўрганиб, маҳоратини оширган.

— Мен учун бу қадрдон газетамда ишлаган йиллар ижодий фаолиятимнинг энг қайноқ, олтин дамлари бўлди. Сиёсий шарҳловчи бўлиб шаклландим. Устозларим Зиёд Есенбоев, Ҳолбек Ёдгоров, Мақсуд Қориев, Саъдулла Кароматов, Расул Раҳмонов, Муҳиддин Жалолов, Абдукарим Набихўжаев, Болтабой Юсупов, Собир Қурбонов, Файзулла Шоҳисмоилов, Яҳё Тўхтаевлардан умрбод миннатдорман, — дейди у киши тарихга айланган лаҳзалар муҳрланган бир даста фотосуратларни кўрсатиб.

Талъат Солиев кўп йиллардан буён Ўзбекистон радиосида хизмат қилаяпти. Шарҳловчининг «Халқаро кундалик», «Дунё», «Оқшом тўлқинларида», «Жаҳон шарҳловчи нигоҳида», «Ахборот», «Етти кун нафаси» сингари радиодастурлардаги чиқишлари ўз мухлисларига эга.

Мамлакатимизнинг серқирра дипломатик фаолияти, жаҳонда тутган нуфузи, тинчликсевар ташқи сиёсатини ҳозиржавоблик билан тингловчиларга етказаётган сиёсий шарҳловчи айни пайтда ўзига хос маҳорат мактабини яратган, десак янглишмаймиз.

— Мен бахтли ижодкорман, сафдошларим, касбдошларим, талайгина шогирдларим бор. Улардан кўнглим тўқ, жамиятда ўз мавқеларига эга. Зеро, бугунги кунда Қобилбек Каримбеков, Хайрулла Нуриддинов, Абдували Сайибназаров, Шарофиддин Тўлаганов, Собир Турдиев, Улуғбек Пўлатов, Салоҳиддин Ҳақназаров сингари салоҳиятли ёшларимизни наинки мамлакатимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Шогирдларнинг камоли устоз учун ҳам катта бахт, — дея Талъат ака улар билан фахрланиб қўяди.

Шоир Музаффар Туробнинг унга бағишлаган «Дунёда нима гап?» шеърида шундай сатрлар бор:

Дунёда нима гап? Баридан огоҳ,
Қай юртни сув босди, қайда зилзила?
Қай элда хунрезлик бошланди ногоҳ,
Қайдадир отишма, уруш силсила?..

Жаҳонаро не гап, не янгилик бор?
Ҳаммасидан воқиф, унгадир аён.
Хабарларни чаққон, тезкор, шиддаткор,
Эфирга узатиб, этсам дер баён.

Дарҳақиқат, сиёсий шарҳловчи ҳафтанинг етти кунини шу тариқа якунлайди.

Улар оммавий ахборот воситаларининг энг жанговар, тезкор, зарбдор гуруҳи саналишади. Шарҳловчиликнинг «тоши» оғир. Талъат Солиевнинг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

— Сиз ўз ҳаётингизда қадрлаган энг улуғ шиор нима?» — дея сўраймиз.

— Яхшилик қилишнинг мавсуми йўқ, дейдилар. Эзгулик дарахтини эксангиз, бир кун, албатта мевасини беради...

Бу фидойи, куюнчак ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўлидаги чизгилар камалак рангда тусланади. Дарвоқе, ҳамманинг кўз ўнгида ҳокисор, самимий инсон сиймоси гавдаланаверади...

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Фарғона вилояти Қува туманида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қошидаги «Шарқ зиёкори» очиқ акционерлик жамиятининг янги китоб маркази иш бошлади.

Янги китоб маркази

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшларнинг онги ва тафаккури, маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда жойларда китобхонлар учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, китоб савдосини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Янги китоб марказида илмий ва бадиий адабиётлар, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намуналари, чет эл адибларининг дунёга машҳур асарлари, дарслик ва қўлланмаларни сотиб олиш мумкин.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Мулоҳаза учун мавзу

Пулнинг ҳам уволи бор...

ёки пул сочиш одати қаердан пайдо бўлди?

Яқинда бир дўстимнинг таклифига кўра, неварасининг суннат тўйига бордим. Базм кечаси очилиб, биродарим меҳмонларни дастурхондаги ноз-неъматларга таклиф қилиб, жойига ўтирмоқчи эди, ўртакаш йигит қўймади.

— Неварангизни тўйида ўйнамасангиз, қачон ўйнайсиз, отахон? Қани, онахонни ҳам чақиринглар! — деб қистай бошлади.

Ўртада тўйбошиларни кўриб, давра иштирокчилари, қариндошуруғ, қуда-андалар, фарзандлари қимирлаб қолишди. Дўстим ўйин қолиб пул йиғишга киришиб кетди. Санъаткорларнинг бири доирасини пешма-пеш тутиб, дўстимнинг «қўлини бўш» қилиб турибди. Куй охирларида эр-хотин хиёл бўшаб, энди четга йўналгандилар, тўй қилаётган ўғли ўртага чиқиб, чўнтагидан бир боғлам 500 сўмликни чиқардида, унинг қоғоз белбоғларини йиртиб, пулларни ота-онасининг устидан сочиб юборди.

Тўйхонанинг тўполони чиқиб кетди. Томошаталаб болалар ўртадагиларнинг «ҳай-ҳай»ига ҳам қарамасдан ўзларини ерга тушаётган пулларга отишди. Доирачи бола ҳам асбобини бир чеккага қўйиб, болалар билан бир бўлиб ердан пул йиғишга киришди. Яп-янги 500 сўмликлар оёқ ости бўлиб кетди, ғижимланган, йиртилган...

Тўйхонадаги бу манзара менда нохуш таассурот қолдирди.

Куни кеча ўғлим «Сиз ёқтирган артистнинг видеотасмасини олиб келдим» деб уни қўйиб берди. Унда ҳақиқатан ҳам, мен қўшиқларини ёқтирган таниқли санъаткорнинг 60 йиллик юбилей кечаси тасвирланган экан. Кўксига давлат нишонларини тақиб олган ҳурматли санъаткоримиз ҳашаматли ресторанда меҳмонларни самимий кутиб олмоқда. Табриклар, совға-саломлардан сўнг ниҳоят, ўйин-кулгилар бошланиб кетди.

Одатдагидек хизматга келган номдор санъаткорларга «қистир-қистир» бошланди. Тўрда ўтирган юбиляр ҳам қатордан қолмай деб, пастга тушди-да, аввал қўшиқ айтаётган хонанда аёл устига, сўнгра ўртада ўйинга тушаётган фарзандлари ва набиралари устидан пул соча бошлади. Ундан илҳомланган турмуш ўртоғи ва санъат йўлини танлаган ўғли ҳам пул сочишни қойилмақом қилиб «ижро этишди».

Ажабланарли томони, шу даврада республика миқёсида танилган санъаткорлар ўтиришибди. Наҳот улар ҳам бундай кўринишга бефарқ бўлишса?! Ёки мен ёшим 60 ни қоралаб, қишлоқда яшаб, янги чиққан «замонавий қистир-қистир» урф-одатлардан бехабар қолдиммикан?

Лекин нима бўлганда ҳам мен Ўзбекистон деган жаннатмакон юртнинг бир фуқароси сифатида ўз Ватанини севган ва давлатимиз нишонлари бўлган мадҳиямизни, гербимизни, байроғимизни ўта ҳурмат қилувчи оддий бир инсон сифатида юқоридаги кўнгилсиз манзараларга, халқимиз қабул қилолмайдиган бундай одатларга эътироз билдириш мақсадида қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

Мен пулларимизнинг оёқ ости бўлишига, ўзидан кетаётган бойваччаларнинг пул сочишдек бўлмағур одатларига қаршиман. «Ноннинг ушоғи ҳам нон» дейди халқимиз. Ноннинг ушоғини ерда кўрса, ҳар қандай ўзбек уни дарҳол олиб, кўзига суртади. Сўмларимизни ҳам ана шундай азиз билишимиз керак эмасми?! Баъзилар пулни оддий тўлов воситаси, бойлик ёки қоғозда деб фикр юритишлари мумкин. Улар пул муомала воситаси, унинг маънавий қадр-қимматга эга эканлиги ҳақида ўйлаб кўришмаса керак-да. Ахир унда юртимиз рамзи — Герб акс этган-ку! Наҳотки юртнинг юзига, Герб юзига оёқ қўйиш мумкин? Ёши улуғ инсон сифатида бундай кимсаларга ҳушёр бўлинг, пулнинг ҳам уволи бор, демоқчиман.

Буни ҳаёт дейдилар, бугун бой-бадавлатсиз, эртага-чи? Одам эртага ҳам ҳамма томонлама, аввало маънан бой бўлиши учун ҳар бир неъматни қадрлаш керак.

Ҳаётий бир воқеани айтиб бермоқчиман. Маҳалламиздаги бир ташкилот омборчиси ўғлининг тўйида роса пул сочиб, барчани ўзига лол қолдириб, обрў олдим, деб ўйлаганди. Охирқибат, ишидан катта камомад билан чиқиб, ҳовли-жойини сотиб, ўзи савдойи бўлиб қолди.

Яна бир воқеа. Чойхонада ўтирган ёшлар ичидан бири ароққа пул чиқарганида, шериклари «Сиз меҳмонсиз», — деб олишмаса, уларга аччиқ қилиб, чўнтагидаги бор пулини йиртиб-йиртиб, сойга улоқтиргани ва ўтиришдан кетаётиб «Нексия»сини юк машинасига уриб, умрбод ногиронлар аравачасига михланиб қолганига гувоҳ бўлганмиз...

Ахир халқ оғзида савлатингни кўз-кўз қилсанг ҳам, давлатингни кўз-кўз қилма, деган нақл юради. Дарҳақиқат, шундай.

Мухторжон ХЎЖАЕВ, Данғара тумани, Найманча қишлоғи, «Раҳматилло» маҳалласи.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
15774 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda